

ЗИЁРАТ ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ҲАМДА ТАРМОҚ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Узоқов Ж. Н.-ҚарМИИ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада зиёрат туризмнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва тармоқ сифатида шаклланиш тарихи ҳамда зиёрат туризмнинг ривожланиш босқичлари келтирилган бўлиб, “муқаддас” тушунчасини “диний” ва “илоҳий” тушунчалардан хилма-хиллиги, ҳамда муқаддаслик инсоннинг ички психик ”маркази” ва умуминсоний маданият билан тўғридан-тўғри боғланганлигининг ички ва ташқи туризмга таъсири асосланган.

Калит сўзлар. Зиёрат, туризм, ривожланиш, зиёрат туризм, муқаддас жой, диний туризм, саёҳат, ички туризм, ташқи туризм. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий ҳаётида зиёрат туризм тармоғи муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва роли йилдан йилга ошиб бораётганлиги, бугунги кунга келиб ушбу соҳа дунё аҳолисининг кўплаб қисмини ўз доирасига бирлаштирмоқда.

Кириш. Бугунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра ҳалқаро туристлар сони 2030 йилга келиб 1 миллиард 800 миллион кишига етиши башорат қилинмоқда[1]. Бу кўрсаткич 1950 йилда ҳалқаро туристлар сони 25 миллион, 1980 йилда 278 миллион, 1995 йилда 528 миллион ва 2017 йилда 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 2030 йил прогнози нисбати 128 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Ушбу кўрсаткичнинг мамлакатимизда ҳам жадал ўсиши кўзда тутилган. Энг аввало юртимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг барча соҳаларда эришилган ютуқлар сингари албатта, миллий кадриятларимизни чуқур англаган ҳолда бой меросимизни бутун жаҳонга намойиш этиш имкониятлари пайдо бўлди. Ўз навбатида миллий туризм меросимиз шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда туризмнинг салоҳиятли ва истиқболли турларидан бири зиёрат туризми ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Бугунги кунда жаҳондаги туристик объектларнинг 90 фоизидан дан ортиғи бевосита ёки билвосита сиғиниш ёки дин билан алоқадор[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Туризмни ривожлантириш бўйича изчил ислохотларни давом эттираемиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни

ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди”[3], деб таъкидлаганлар. Ушбу стратегик вазифани муваффақиятли бажариш учун хорижда синалган ва туризм соҳасини ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш ва хизмат кўрсатувчи субъектларининг қўшилган қиймат занжири билан боғланишини таъминлашга қодир бўлган кластер ёндашувида зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча Ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2023 йил 27 июлдаги ПҚ-238-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-238-сонли қарори асосида тасдиқланган “Йўл харитаси”да мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, биз учун аҳамиятли томони шундаки, юқоридаги қарор асосида Қашқадарё минтақасида зиёрат туризм соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятнинг Китоб туманида Дор йўли ва меҳмонхона-Кемпинглар, аттракционлар, бассейн, фавворалар ва ресторанлар (қиймати 15

млн.долл.миқдорида 700 ишчи ўрин) ташкил этиш, Шаҳрисабз туманида Туризм мажмуаси-Замонавий аквапарк, кемпинг, меҳмонхона, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси (қиймати 2 млн.долл.миқдорида 100 ишчи ўрин), Қарши шаҳрида меҳмонхоналар мажмуаси-очиқ осмон тагида ресторан ва экобоғ (қиймати 6.7 млн.долл.миқдорида 230 ишчи ўрин) ташкил этиш каби амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари белгиланди.

Маълумки, зиёрат туризм соҳаси, иқтисодийнинг муҳим тармоғи ҳисобланиши билан бирга давлатлар ўртасида маданий-маърифий муносабатларни мустаҳкамлайди, халқлар ўртасида эса дўстлик ришталарини боғлайди. Энг муҳими, бир мамлакат халқи иккинчи бир мамлакат халқининг яшаш тарзи, тарихи, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконияти туғилади. Бу эса инсонларни бир-бирига яқинлаштиришда, дунёда тинчлик ва тотувликни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам зиёрат туризмни дунё ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ҳам шунда, деб баҳолаш мумкин.

Зиёрат туризм соҳасининг иқтисодийтимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун ўта муҳимлиги туфайли Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ҳамيشа диққат-эътиборида бўлиб келганлиги туфайли миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро зиёрат туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятида тарғиб қилиш, шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қабул қилинган Ҳукумат қарорларида туризмга ва шу жумладан зиёрат туризмга иқтисодийнинг ҳал қилувчи соҳаси сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу фармон ва қарорлар ҳамда бошқа меърийд-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун эса нафақат амалий, балки бир қанча илмий-назарий ва методологик муаммоларнинг ҳам ҳал қилишини тақозо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туристик ҳудудлар негизида зиёрат туризмнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ва ўрни, уни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тадқиқ қилиб, бир қанча хулосаларга келинди.

1. Туристик ҳудудлар негизида зиёрат туризмга яхлит ҳолатда қараладиган бўлса, уни зиёрат туризм соҳаси дейишлик, агар унга хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан қаралса, тармоқ деб аташ лозим бўлади;

2. Мусулмонларда “зиёрат”- бу пайғамбарлар билан боғлиқ, диний муқаддас жойларни зиёрат қилишдир. Қашқадарё вилоятида 200 дан ортиқ зиёрат масканлари мавжуд.

3. Зиёратнинг туризм объекти сифатида шаклланиш жараёнида зиёратнинг ички ва ташқи фаолият турлари унинг икки томонлама табиати: муқаддаслиги ва сайёрлигини келтириб чиқаради. “Муқаддаслик” хусусияти муқаддас анъана бўлиб қолган диний ва дунёвий маросим хусусиятига эга эканлигини билдирса, “сайёрлик” хусусияти зиёратчининг мобиллиги, ҳаракатчанлиги ёки доимий яшаб турган манзилидан узоқлашиб, сафарда юриб туришини ифодалайди.

4. Зиёрат туризм соҳаси биринчидан, аҳолининг бандлигини таъминлайдиган, уларни дам олдирадиган, даволайдиган, маълум маънода малакасини ва тажрибасини оширишга хизмат қиладиган соҳа бўлса, иккинчидан, тадбиркорга ҳам, туристик фирмага ҳам, маълум ҳудудга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Шу жиҳатдан ушбу соҳани ижтимоий-иқтисодий соҳа деб айтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. UNWTO Tourism Highlights 2017 Edition.
2. Папирян, Г. А. Международные экономические отношения: маркетинг в туризме / Г. А. Папирян. — М. : Финансы и статистика, 2000.- С. 201.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>[29.12.2020].
4. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. М.: 2005. – 151 б.;
5. Биржаков М.Б. Введение в туризм. СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2006 г.;
6. Дурович А.П. Организация в туризме. – СПб.: Питер, 2009. – 320 б.;
7. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Минск: 2002. – 407 б.;
8. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2007. - 416 с.;
9. Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса: учебное пособие. – Ростов н/Д : Феникс, 2008. – 503 с.

10. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари //Т.: Фан ва технология, 2007. - 32 б.;
11. Мухаммедов М.М. ва б. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. - С.: Зарафшон, 2007. - 299 б.;
12. Тухлиев И.С ва б. Туризм асослари //Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. 247 б.;
13. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: О’zME, -2006. 386 б.;
14. Навруз-Зода Б.Н умумий таҳрири остида. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги //монография – Бухоро, 2017. 150 б.;
15. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. - 184 б.;